O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 6 июнь, № 111 (4521) Жума


# МАҲСУЛОТ СИФАТИ БИЛАН ХАРИДОРГИР

**Бугун мамлакатимизнинг саноат кириб бормаган шаҳару қишлоғи қолмади, ҳисоб. Буни биргина енгил саноат тармоғи мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Натижада маҳаллий хом ашёдан хорижникидан асло қолишмайдиган юқори сифатли кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда.**



### Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Улар нафақат ички бозоримизда, балки хорижда ҳам харидоргир бўлиб бораётгани иқтисодий ўсишни таъминламоқда. Ана шундай ишлаб чиқариш корхоналаридан бири бундан бир ярим йил аввал Чирчиқ шаҳрида иш бошлаганди.

Мазкур "Ralis Trade" масъулияти чекланган жамиятида эркаклар учун спорт кийим-кечаклари тайёрланади. Туркия, Япония ва Германиянинг замонавий бичиш-тикиш ускуналари билан жиҳозланган корхонада жорий йилнинг биринчи чорагида 150 мингта ана шундай маҳсулот тайёрланди. Унинг асосий қисми "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан Россия, Германия давлатларига жўнатилди. Бундай экспортбоп маҳсулотлар чирчиқлик 60 нафар ёш чевар томонидан тикилмоқда.

Айни пайтда иш ўрнини 140 тага етказиш мақсадида саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

**СУРАТДА:** жамият тикув цехида.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

**Мана, 36 йилдирки, дунё бўйича 5 июнь — Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан ҳар йили она-табиат муҳофазаси борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилиниб, экологик вазиятни яхшилаш, бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Шу маънода, бу тадбирни ҳушёрликка чорловчи бонг, дейиш мумкин.**

## ҲУШЁРЛИККА ЧОРЛОВЧИ БОНГ

▼ Табиат ва биз

Мазкур сана жорий йилда "$CO_2$ измидан халос бўл! Атроф-муҳитга углерод чиқишини камайтирувчи иқтисодиёт сари йўл!" шиори остида нишонланди. Бу бежиз эмас. Негаки, кейинги йилларда дунёнинг айрим давлатларида иқтисодий тараққиёт ортидан қувиш оқибатида атмосфера ҳавосига зарарли моддаларнинг ташланиши миқдори меъёридан ошиб кетмоқда. Мусаффо ҳавонинг булғаниши, айниқса, оғир саноат корхоналарининг зўриқиб ишлаши, автоуловлар сонининг кескин кўпайиши туфайли рўй бермоқда. Охир-оқибатда бундан ўзимиз жабр кўраяпмиз: нафас йўллари билан боғлиқ касалликлар кўпайиб, табиий ресурслар софлигига путур етаётир. Бу ҳақда кеча Тошкентда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси БМТнинг юртимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказган анжуманда батафсил маълумот берилди. Бугунги экологик аҳвол мутахассислар томонидан таҳлил қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, соҳа мутахассислари, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг олимлари иштирок этди.

Таъкидландики, мамлакатимизда олиб борилаётган экологик сиёсат инсон соғлиғи ва фаолияти учун қулай атроф-муҳит шароитларини таъминлашга қаратилган. Шу мақсадда мустақиллик йилларида табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солувчи 30 дан ортиқ қонун қабул қилиниб, 350 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ана шу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кенг жамоатчилик ўртасида она-табиатга меҳр уйғотувчи тадбирлар мунтазам ўтказиб келинаяпти. Бу, албатта, ўзининг ижобий самарасини бераётир. Сўнгги 16 йил ичида мамлакатимизда ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера ҳавосига қўшилиши 2,5 баробарга, оқова сувларнинг дарёларга қуйилиши 2 баробарга камайгани бунинг далилидир. Бундан ташқари, қўмита тасарруфидаги Давлат экологик экспертизаси томонидан 44 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши аниқланиб, муайян чоралар кўрилгани эътиборга лойиқдир.

Тадбир доирасида "Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида (1998-2007)"ги миллий маъруза тингланди. Шунингдек, қўмита ташаббуси билан чоп этилган "Оммавий экологик энциклопедия", ЮНЕСКО томонидан тайёрланган «Ўзбекистоннинг экологик атласи» ва БМТнинг Тараққиёт дастури доирасида нашр қилинган "Атроф-муҳит ва инсоният тараққиёти" китобларининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди, махсус фотокўргазма ташкил этилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

▼ Тадбир

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

## ИШБИЛАРМОНЛАР МАНФААТИ — ҲИМОЯДА

Соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўйиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Сурхондарё вилоятида ҳам бу борадаги ишлар ўз самарасини бераётир. Айни пайтда чекка қишлоқларда ҳам ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиб, аҳоли учун қўшимча иш ўринлари яратилмоқда, ички ва ташқи бозор учун рақобатбардош маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Маълумотларга кўра, вилоятда 24 минг 480 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида мингга яқин хусусий бизнес субъекти ташкил этилди.

Яқинда «Сурхонмедкоттон» масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан Бойсун тумани Омонхона қишлоғида барпо этилган замонавий корхонага хориждан маъданли сув ишлаб чиқарадиган замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда 56 киши меҳнат қилаётир.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сурхондарё филиали ташаббуси билан ўтказилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши аҳолининг ижтимоий аҳволини янада яхшилашнинг асосий гаровидир» мавзуидаги семинарда шу ҳақда сўз юритилди.

Унда тегишли идора, ташкилот ва муассасалар вакиллари, соҳа мутахассислари, тадбиркор ва фермерлар ҳамда талабалар иштирок этди. Тадбир доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш йўллари, бу борадаги муаммолар атрофлича муҳокама этилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## «Жэньминь Жибао»:

08у 6 июн №111 (4521)

# «ЭЛ САЛОМАТЛИГИ — ЎЗБЕКИСТОН СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ»

***Хитойнинг етакчи газеталаридан бири — «Жэньминь Жибао» мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга бағишланган мақола эълон қилди.***

▼ Дунё нигоҳи

«Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди, — деб ёзади нашр. — Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш ва халқ саломатлигини янада мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида олдинги сафга чиқди. 1993 йилнинг 23 апрелида Президент Ислом Каримов Фармони билан «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси ташкил этилди. 1998 йилда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниши ва унинг мамлакат стратегик тараққиёти асосий йўналишлари доирасида амалга оширилиши соҳадаги ислоҳотлар муваффақиятида муҳим аҳамият касб этди».

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг кўламини таъкидлаган ҳолда, нашр, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга эътибор қаратади.

«Ўзбекистонда оила, оналар ва болалар манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган, — деб ёзади «Жэньминь Жибао». — 1998-2002 йиллар давомида «Она ва бола скрининги», «Соғлом авлод», «Она ва бола» каби қатор мақсадли давлат дастурлари қабул қилинди ва муваффақиятли тарзда амалга оширилди. Бундан ташқари, давлат раҳбарининг ташаббуси билан унни фортификация қилиш бўйича давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда».

Газета мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги ютуқларига тўхталиб, айни пайтда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимида салкам 5,5 минг нафар умумий амалиёт шифокори, қарийб 9 минг нафар педиатр, 1,5 минг нафар неонатолог, 5,5 минг нафар акушер-гинеколог ва бошқа мутахассислар фаолият кўрсатаётганини таъкидлайди.

«Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқлари нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам тан олинмоқда. «Болаларни асранг» (Save the Children) халқаро ташкилотининг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бағишланган ҳисоботида таъкидланишича, Ўзбекистон аёлларга яратиб берилган шарт-шароитлар кўрсаткичи бўйича жаҳоннинг 125 мамлакати орасида 19-ўринни эгаллаган. Ушбу кўрсаткич нафақат МДҲ мамлакатлари, балки Осиё қитъаси давлатлари учун ҳам эътиборлидир. Ўтган йили Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан дунёнинг 53 мамлакати орасидан фақат тўртта, жумладан, Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича тиббий хизмат миллий модели юксак баҳога лойиқ, деб топилди. Ушбу модель бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида эътироф этилди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ўртача умр кўриш даражаси 72,5 ёшни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич МДҲнинг бошқа давлатлари орасида анча юқоридир. Масалан, у Россияда — 66,7, Беларусда — 69,9, Украинада — 69,5, Қозоғистонда — 66,2, Қирғизистонда — 68,4 га тенг», дейилади газетада.

«Жэньминь Жибао», шунингдек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган бюджет маблағлари миқдори йил сайин ошиб бораётганини таъкидлайди. «2006 йилда ушбу кўрсаткич ҳажми 1999 йилга нисбатан 7,4 баробарга ошиб, 480,8 миллиард сўмни ташкил этди. 2007 йилда соғлиқни сақлаш тизимига 625 миллиард сўм ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 862 миллиард сўмни ташкил этиши мўлжалланган», дейилади нашрда.

Мақола сўнгида муаллиф Ўзбекистон Президентининг ўтган йил сентябрь ойида қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш ва ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлганини қайд этади.

— Унда тиббиётни жаҳон андозалари асосида янада ривожлантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар ўз ифодасини топган, — дея таъкидлайди нашр.

**«Жаҳон» АА.**
Пекин

## Жозибали маскан

***Уйчилик хусусий тадбиркор Илҳомжон Отавалиев туман марказидаги «Боғ» маҳалласида ўз тенгдошлари учун барпо этган ёшлар мажмуасига яхши ният билан «Баркамол» деб ном берди.***

▼ Бунёдкорлик

Бир қатор маданий-маиший инфратузилмалардан иборат мажмуа маҳалла аҳлининг жозибали масканига айланиши табиий. Чунки эндиликда улар бу ерда никоҳ тўйи, юбилей кечалари каби эсда қоладиган тадбирларни бемалол ўтказишлари мумкин. Шунингдек, ёшлар компьютер тўгараги ва турли таомлар тайёрлаш цехида ҳунар ўрганишади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ёшлар йили муносабати билан Пахтаободда муҳташам "Ёшлар хиёбони" барпо этилди. Бу хушманзара масканнинг бунёд бўлишида бир гуруҳ тадбиркору ҳомийлар, маҳаллий ҳокимлик идоралари фаол ташаббус кўрсатишди.***

## Ёшлар хиёбонига марҳабо!

Хиёбонда йигит-қизларнинг маънавий ва маданий савиясини ошириш, турли бадиий-мусиқий кечалар ўтказиш учун зарур шарт-шароит муҳайё. Бундан ташқари, ёшлар масканида қаҳвахона, гўзаллик маркази ва бошқа бир қанча маиший муассасалар ҳам аҳолига хизмат кўрсатади.

Келгусида, хиёбон ҳудудида "Камолот" ЁИҲ туман Кенгашининг биноси ҳам қад ростлаши режалаштирилган.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Бир рақам шарҳи

## АГРОФИРМАЛАР — ЯНГИ ЗАМОН КОРХОНАСИ




**2008** йилнинг биринчи чорагида республикамизда қайта ташкил этилган ширкат хўжаликлари негизида **192** та агрофирма тузилди.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва бу маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар кооперациясини ташкил этиш дастури доирасида тузилган ана шу агрофирмалар уруғлик билан таъминлаш, ҳосил етиштириш ва уни сотишда фермерларга мададкор бўлмоқдалар.

**Фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этишда адвокатларнинг ўрни беқиёс. Зеро, улар инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашга, жиноят ишида адолат қарор топишига катта ҳисса қўшадилар. Шу боис, юртимизда истиқлол йилларида ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг белгиси сифатида адвокатура соҳаси изчиллик билан ислоҳ этилмоқда. Хусусан, 1996 йилда "Адвокатура тўғрисида" ва 1998 йилда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.**

# АДВОКАТ ОБРЎСИ

*унинг малакаси ва кўрсатаётган ҳуқуқий хизматининг сифати билан белгиланади*

Бу ҳужжатлар адвокатлик фаолиятининг кенг қулоч ёйишига имкон берди. Чунончи, мазкур қонунлар кучга киргунга қадар республикамизда 1700 га яқин адвокат фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 6500 тадан ошди. Юртимизда адвокатлар ҳайъатлари, фирмалари ва адвокатлик бюроларининг фаолият юритаётгани ҳам соҳада соғлом рақобатни вужудга келтирди. Бу, ўз навбатида, кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг сифати яхшиланишига, шунингдек, адвокатлар малакаси ошишига кўмак бераётир.

Аммо, тан олиб айтиш керакки, кейинги пайтда соҳа ривожига тўсиқ бўладиган қатор муаммолар келиб чиқди. Бунга амалдаги қонун ҳужжатларида айрим масалалар тартибга солинмаганлиги сабаб бўлаётган эди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд адвокатлик тузилмаларини ягона тизимга бирлаштирадиган адвокатура ўзини ўзи бошқарув органларининг ташкил этилиши назарда тутилмаган. Қолаверса, адвокатларнинг касбий жамоат бирлашмаси бўлмиш Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг ҳуқуқий мақоми ҳамда соҳадаги ўрни ва ролига оид нормалар йўқлиги боис, адвокатларни ягона ташкилотга бирлаштирувчи тизим мавжуд эмас эди. Бу эса, айрим адвокатлик идораларининг юридик ёрдамларининг назоратдан четда қолишига олиб келди. Кейинги йилларда адвокатларнинг хатти-ҳаракати ва иш сифати хусусида тушаётган кўплаб шикоятлар фикримизни тасдиқлаб турибди

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси (ЎАА) ихтиёрий аъзоликка асосланган касбий бирлашма. Шу боис, у республикадаги барча адвокатларни бирлаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш имкониятига эга эмас. Маълумот тариқасида қайд

**Мушоҳада**

этиш лозимки, бугунги кунда 24 та адвокатлар ҳайъати, 300 дан ортиқ адвокатлар фирмаси ва 400 дан ошиқ адвокатлар бюросида фаолият кўрсатаётганларнинг 50 фоиздан озроғи ассоциациямизга аъзодир. Шу боис, уларнинг иш сифатини назорат қилиш механизми мавжуд эмас эди.

Фармонда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ассоциация негизида ташкил этилиши мамлакатимизда бундан кейин тизимнинг яхлитлигини таъминлайди, адвокатлар корпоратив бирлигини кучайтиради.

Адвокатлик фаолияти тузилмаларининг мақсад ва вазифалари муштарак бўлса-да, лекин уларнинг ташкил этилиши, бошқариш усуллари, ихтисослашуви, фаолияти, адвокатларнинг олиб бораётган иш услублари ва бир қанча жиҳатлари билан бир-биридан фарқланади. Аммо буларнинг ҳуқуқий замини қонунчиликда ўз аксини топмаганлиги боис, адвокатлик тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолият юритиши ва тугатилишида турли масалалар юзага келган. Фармонда адвокатлик тузилмалари ваколатларини аниқлаштириш ва ҳуқуқий мақомини белгилаш вазифасининг қўйилиши адвокатлик идораларининг самарали фаолият юритишига, хусусан, аҳолининг юридик ёрдам олишида қулайликлар яратилишига хизмат қилади.

Айрим тоифадаги шахсларга ва ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган аҳолига жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ва суд жараёнларида давлат маблағлари ҳисобидан адвокатлик ёрдами кўрсатилади. Бу ҳаммага маълум. Яъни, қонунчилик нормаларига кўра, фуқаро ўзини ҳимоя қилиши учун адвокат ёлламоқчи бўлса-ю, лекин имкони бўлмаса, ишга давлат томонидан адвокат жалб этилади. Унинг хизмат ҳақи терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажрими билан давлат ҳисобидан тўлаб берилади. Лекин баъзида у ёки бу сабабларга кўра пул маблағларининг етарли ажратилмаслиги боис, адвокатларга иш ҳақи тўлашда айрим муаммолар юзага келади.

Соҳадаги мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида Фармонда адвокатлар томонидан фуқароларга кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини қайта кўриб чиқиш бўйича мутасадди ташкилотларга таклифлар киритиш вазифаси юклатилган. Бу, табиийки, ушбу масаладаги муаммоларни бартараф этади, адвокатлар томонидан кўрсатилаётган хизматнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва ундаги Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ташкил этилиши ҳамда унинг ҳуқуқий вориси сифатида белгиланиши соҳамиз тарихида муҳим воқеа бўлиб қолади. Мазкур Фармон юртимиздаги адвокатларнинг корпоратив бирлигини таъминлашга ҳуқуқий замин яратади.

**Б. САЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси раиси, юридик фанлар доктори.**

# РЎЗҒОРИМИЗГА БАРАКА КИРДИ

***Президентимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини ўқигач, бирор жамоа билан келишган ҳолда уйда ўтириб меҳнат қилиш имконим борлигини ўйлаб, қувониб юргандим.***

Ниятим холис экан, тез орада "Жиззах электр тармоқлари" ОАЖ ходимлари бичиш-тикишга уқувим борлигидан хабар топишиб, шартнома имзолашни таклиф этишди. Бу таклифни бажонидил қабул қилдим. Ҳозирда турли касб эгалари учун махсус кийим-бош, шунингдек, кўрпа-ёстиқ жилдлари, чойшаблар тикаяпман. Ҳатто, стул, диван, кресллолар учун тикаётган жилдларимиз Россияда ҳам ўз харидорини топиб улгурди. Ҳамкорларим маҳсулот учун зарур хом ашёни ўзлари иш жойимга, яъни уйимга етказиб беришади ва буюртма тайёр бўлгач, уни олиб кетишади.

**Касаначилик**

Ўтган йили 19 нафар касаначи-тикувчи бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаргандик. Жамоамиздаги ҳунарманд, иккиламчи металл йиғувчи, электр жиҳозларини созловчи ва бошқа юмушлар билан шуғулланувчи касаначилар сони бугунга келиб 190 нафарга етди.

Яқинда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган касаначилик маҳсулотлари савдо кўргазмасида юқори ўринни эгалладик. Энг қувончлиси, кўргазмадан сўнг биз касаначилар 4 миллион 857 минг сўмлик буюртма олдик. Айни пайтда буюртмачилар талабини ўз вақтида қондириш учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз.

Дарвоқе, жамоамиз аъзоларининг ўртача иш ҳақи 55-60 минг сўмни ташкил этмоқда. Биз 70-75 минг сўм даромад қилаяпмиз. Бундан ташқари, байрамларда қўшимча мукофот пуллари билан тақдирланаяпмиз. Уй-рўзғордан айро тушмай иш стажига эга бўлаётганимиз, қолаверса, биз учун солиқ тўловида берилган имтиёзлар ғайрату шижоатимизни янада оширмоқда.

Очиғи, бугун ҳар ким биз сингари хотин-қизларга ҳавас қилса арзийди. Негаки, касаначилик билан шуғулланиш биз аёллар учун оиламиз фаровонлиги ва тинч-тотувлигига ҳисса қўшиш имконини бермоқда. Бунинг учун жамиятнинг барча қатламлари сингари хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари борасида юксак ғамхўрлиги ва эътиборини аямаётган Юртбошимизга ҳар қанча ташаккур айтсак, оз.

**Нилуфар НИЯТОВА,**
**«Жиззах электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти касаначиси, тикувчи.**

**2008 йил — Ёшлар йили**

# ИЛМ ЧЎҚҚИСИНИ КЎЗЛАГАН АВЛОД

***Пойтахтимизда бўлиб ўтган 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси бухоролик ёшлар ҳам химия фанидан юксак заковатга эга эканлигини кўрсатди.***

Хусусан, Жондор туманидаги 2-ихтисослашган мактаб-интернати ўқувчиси Азизбек Ҳайдаров фахрли учинчи ўринни эгаллаган бўлса, Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқувчиси Ризамат Хайруллаев бронза медалини қўлга киритди. Шунингдек, совриндорлар ҳам талайгина.

— 15 та давлат вакиллари иштирокида ўтган нуфузли халқаро танловда совриндор бўлиш, шу билан бирга, олий ўқув юртларининг бирига имтиёзли кириш ҳуқуқини қўлга киритиш ҳар бир ёш учун катта бахт, — дейди Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернати директори ўринбосари Неъмат Бозоров. — Уларнинг сафида бизнинг ҳам вакилимиз борлиги мактабимизнинг улкан ютуғидир. Ишонаманки, бундай марраларга ўқувчиларимиз ҳали кўп эришишади.

Эндигина 18 ёшни қаршилаган Ризаматнинг нияти кимё йўналишида олий ўқув юртида таҳсилни давом эттириш. Шунингдек, у мазкур фан бўйича илмий изланишлар олиб боришни ҳам кўнглига тугиб қўйган.

Шерзод Сафоев, Алишер Эшонқулов, Элбек Қурбонов ва Аброр Пирнафасов ҳам шу масканнинг фахрли ўқувчиларидан. Уларни айни мутолаа жараёнида учратдик. Маълум бўлишича, тўртала ўқувчи ҳам барча танловлардан муваффақиятли ўтиб, математика фани бўйича Испанияда бўладиган 49-Халқаро олимпиадага ҳозирлик кўришаётган экан. Буни қаранг, ушбу олимпиадада иштирок этадиган ўзбекистонлик олти ўқувчининг айнан тўрт нафари қоракўллик ёшлардир.

— Бундай ёшларнинг орзу-интилишлари, қизиқишларини кўриб, ишлаб чарчамайсан, киши, — дейди шу мактаб-интернат ўқитувчиси Ботир Раҳматов. — Ахир, илм чўққиларини кўзлаган ёшларга қанот бўлишнинг ўзи бахт эмасми?

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





Ватан манзаралари

# БЕШАРИҚНИНГ КЎРКАМ ЖАМОЛИ

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг нафақат шаҳарларида, балки олис қишлоқларида ҳам янгиланиш ва ўзгаришлар юз бераётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Фарғона вилоятининг энг чекка тумани — Бешариқда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бунинг ёрқин далилидир. Бу ерда сўнгги йилларнинг ўзида марказий хиёбон, 4 та замонавий коллеж биноси, она-бола дам олиш ва даволаниш шифохонаси, тўртта қишлоқ врачлик пункти, Хотира майдони, кўплаб гузарлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мактаблар ва ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилди. Мустақилликнинг 17 йиллиги арафасида эса яна бир қатор объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилади. Пировардида Бешариқ шаҳри янада ўзгача қиёфа касб этади.

**СУРАТЛАРДА:** туман марказида барпо этилган янги объектлар; уларнинг қад ростлашида, албатта, туман бош архитектори Неъматжон Абдуллаевнинг муносиб ҳиссаси бор.

**Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган суратлар.**

# МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

***Навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси Гулистон давлат университетида ўтказилгани бежиз эмас. Энг муҳими, олий билим даргоҳи битирувчилари бу ерда меҳнат бозори билан яқиндан танишдилар ва бевосита унинг иштирокчисига айландилар.***

Меҳнат ярмаркасида 165 та корхона ва ташкилот, 110 та кичик корхонадан ташқари, фермерлар ўзларининг 1712 та иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркада корхона, ташкилот ва муассасалар ўз маҳсулотлари кўргазмасини ташкил этдилар.

**Яхши хабар**

Азизбек Тошмиддинов ярмаркага иш илинжида келган фуқаролардан бири. У Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари коллежини битиргандан сўнг ўз мутахассислиги бўйича иш излаётган эди.

— Мени Гулистон педагогика коллежига техника хавфсизлиги бўйича мутахассис сифатида ишга олишди, — дейди у хурсандчилигини яширолмай.

Сирдарё саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Гулжаҳон Мамадалихўжаева эса шу даргоҳ битирувчиларига «Сарбонтекс» қўшма корхонасида ишлаш имкони яратилганидан мамнун.

Ярмаркада 1258 нафар ёш мутахассисга ишга жойлашиш учун йўлланма берилди, 150 нафар иш қидирувчи янги касбга тайёрланадиган бўлди. 112 нафарини эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш мақсадида ҳужжатлар расмийлаштирилди.

**Ортиқ СУЛТОНОВ.**

# «ЖАҲОЛАТ ЧАНГАЛИДА»

**«Ўзбекистон» телерадиоканалида намойиш этилган шу номли кўрсатувни кўриб...**

***Инсон ва эътиқод. Ҳаёт яралибдики, бу икки сўзни айро тасаввур қилиб бўлмайди. Одамзод ўз умри давомида ишончга, эътиқодга таяниб яшайди. Бинобарин, унинг эътиқоди ҳам ўзи каби ҳурматга, эъзозга лойиқ бўлмоғи керак. Кўрсатувни томоша қилиш асносида, очиғи, даҳшатга тушдим. Негаки, ҳикоя қилинаётган онгу тафаккурга таҳдиддек виждонсизлик, соф эътиқодли кишилар қалбига тажовуз қилишни кўзлаган кимсалар, яъни миссионерлар хатти-ҳаракатини ҳеч қандай йўл билан оқлаб бўлмайди. Ўзларининг ғаразли мақсадлари, қабиҳ режаларини амалга ошириш учун Худо номидан гапираётган бундай муртадлар нафратдан бошқасига лойиқ эмас!***

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: асрлар давомида юриш-туришимиз, урф-одатларимиз, удумларимиз, маросим-маъракаларимизнинг ажралмас қисмига айланган диний эътиқодимизга путур етказмоқчи бўлганларнинг қилмиши терроризм балоси каби мудҳиш оқибатларни келтириб чиқармаслигига ким кафолат бера олади? Эҳтиёт бўлмасак, огоҳлик шиоримизга айланмаса, бундай хатти-ҳаракатлар ҳали маънавий дунёқараши тўлиқ шаклланиб улгурмаган фарзандларимиз келажагига соя солмоғи мумкин.

Диний миссионерларнинг сохта даъвоси шундан иборатки, гўё Ўзбекистонда диний муносабатлар борасида эркинлик йўқ эмиш. Ҳолбуки, иймонини, инсофини емаган одам борки, юртимизда диний бағрикенглик мавжудлигини, тоат-ибодат учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинганлигини виждонан тан олади. Қолаверса, мамлакатимиз аҳолисининг 90 фоизини мусулмонлар ташкил этгани ҳолда, бошқа дин вакилларига нисбатан ҳам ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлинаётгани барчамизга аён. Аммо глобаллашув, юксак техника ва технологиялар, ахборот ва электроника асри, деб аталмиш бугунги шиддаткор замонда инсоният келажагига рахна солаётган терроризм, диний экстремизм, сепаратизм, гиёҳвандлик ва жиноятчилик, шунингдек, миссионерлик сингари иллатлар, таассуфки, бизнинг элни-да, четлаб ўтаётгани йўқ.

Хўш, миссионерлик ўзи нима? Бу сўз лотин тилидаги "миссио" — юбориш, топшириқ сўзидан олинган бўлиб, истилоҳий маънода вакиллик, бошқа бир юртда ўз юрти, халқи, мамлакати, дини манфаатларини кўзлаган ҳолда тарғибот-ташвиқот юритиш деганидир. Баъзи манбаларда айтилишича, "табшир" (хушхабар етказиш), "тансир" (насронийлаштириш) атамалари ҳам айни мазмунни англатади. Бугунги кунда жаҳондаги кўплаб давлатлар қатори мамлакатимиз қонунчилигида ҳам миссионерлик ҳаракатига тегишли тартибда ҳуқуқий баҳо берилган. Масалан, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида шундай дейилади: "Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоидaнинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар".

Қонунчилигимизда тақиқланган бундай фаолиятлар қаторига, шубҳасиз, миссионерлик ҳам киради. Чунки, "Жаҳолат чангалида" кўрсатуви орқали мутахассислар томонидан таъкидланганидек, азалдан миссионерлик замирида нафақат диний, балки сиёсий мақсадлар устуворлик қилади. Жаҳоннинг турли ҳудудларида инсонпарварлик ва хайрия ташкилотлари вакиллари, сайёҳлар, тиббиёт ходимлари, муаллим ва мураббийлар кишиларни тўғри йўлга бошлаш даъвоси билан тўғри йўлдан оздирмоқдалар. Европарламент 1996 йили 72 та шундай асосий хавфли секталар рўйхатини эълон қилган эди. Яна шундай маълумотлар борки, мазкур секталарга ҳомийлик қилаётган кучлар мусулмонлар, насронийлар ва бошқа дин вакилларини йўлдан оздириш мақсадларини амалга ошириш учун ойига 25 миллион доллар миқдорида маблағ сарфлайди. Улар тарқатаётган адабиётлар ва турли варақалар бошқа тиллар қатори ўзбек тилига ҳам ўгирилган. Биргина "Сторожевая башня" китоблари туркуми ҳар ойда 300 миллион ададда чоп этилади. Нашрнинг сифатига эътибор бериб қаралса, бу мақсадлар йўлида фақат моддий манфаат истаги ётгани аён бўлади. Аслида, пировард мақсад насронийликни кенг ёйиш ҳам эмас, зеро, уларнинг таълимоти ҳақиқий насронийлик ақидаларига зиддир. Шунинг учун ҳам бу мудҳиш иллат, наинки Ислом, балки Христиан оламини ҳам ташвишлантирмоқда.

Кўрсатув орқали юртдошларимиз орасида ана шундай ёт оқимлар, ғоялар таъсирида, ажнабий раҳнамолар қутқусига алданиб қолаётганларни кўриб, уларнинг сўзини эшитиб, юрагим ачишиб кетди. Ёши улуғ бир отахоннинг ҳеч бир уят ва номуссиз миссионерларга эргашиб "хато қилмаган"лигини таъкидлаши, боз устига, улардан кўп миқдорда "доллар" олиб туришини мамнунлик ила баён этганига гувоҳ бўлган иймони бут одам бу манзарани ҳаргиз ҳазм қилолмаслиги аниқ. Кўрсатувдаги ёш бир йигитнинг аҳволи бундан ҳам ачинарли эди. Ўзининг айтишича, гўёки бу йигит Исо Масиҳ билан гаплашганмиш! Ақлан ва руҳан соғлом киши бундай демаслиги, дея олмаслигини ўйлайману уларнинг нигоҳига боқаман, кўзларида қандай маъно

**Муносабат**

яширинганини билишга қизиқаман. Лекин бу бежо нигоҳлар йигитнинг ҳам, отахоннинг ҳам саломатлигига кўнгилда шубҳа уйғотади. Энг қизиғи, тахминим тўғри чиқди. Кўрсатув орқали миссионерлик фаолияти билан шуғулланаётган, бўш-баёв, содда, мол-дунё илинжидаги аҳолини ўз "анжуман"ларига чорловчи шаккоклар уйидан гиёҳванд моддалар, муддати ўтган дори воситалари топилгани аниқ фактлар ва тезкор лавҳалар асосида намойиш этилди. Аждодларимиз дини бўлмиш муқаддас Исломдан юз ўгириб, бошқа динни қабул қилаётганларнинг бу қадар осонлик ила ўзга оқим "тариқат"ларини қабул қилиши сабаби хусусида энди ортиқ бош қотиришга ҳожат йўқ. Бу, аввало, ҳам диний-маърифий, ҳам сиёсий саводхонликнинг етарли эмаслиги, миссионерларнинг асл мақсад-муддаоларидан, уларнинг ҳақиқий басарасидан бехабарликнинг оқибатидир. Ачинарлиси шундаки, ўз соғлиғи, тинч ҳаёти ва келажагини бой бериб, мана бундай оғудан заҳарланган кимсалар қаторида айрим юртдошларинг борлиги қалбингни ларзага солади. Эътиқоддан воз кечиш отага оқ бўлиш, Ватанга хиёнат қилиш сингари энг қабиҳ ишлардан саналган. Таассуфки, бугунги кунда айрим юртдошларимиз кўр-кўрона, ўзлари билмаган ҳолда ана шундай залолатга юз тутмоқдалар...

Айрим секталар вакилларининг шаккоклиги шу даражадаки, бу алаҳсирашлар бир кулгингни қистатса, бир йиғлагинг келади. Масалан, қиёмат куни ҳақидаги "башорат"ларни олайлик. Тўғри, кўплаб муқаддас китобларда, жумладан, Инжил ва Қуръонда ҳам дунёнинг интиҳоси борлиги, қиёмат қойим юз бериши муқаррарлиги айтилган. Аммо бирор ишончли диний манбада қиёматнинг аниқ муддати кўрсатилмаганку?! Зеро, барча диний қарашларга кўра, бу сир фақат Яратганнинг ўзигагина аёндир. Бироқ, "Йеҳова шоҳидлари тариқати" асосчиси Чарльз Тес Рассел (XIX аср) қиёмат қойим 1914 йилда юз беражагини шаккокларча эълон қилган эди. Лекин тарих гувоҳки, ўша йили қуёш ғарбдан чиқмади, Исо Масиҳ зуҳур этмади, маҳшар воқе бўлмади. Кейинчалик Рассел издошлари қиёмат қойимнинг иккинчи жаҳон уруши пайтида юз беражагига ишона бошлашди. Бу "каромат" ҳам амалга ошмагач, "шоҳидлар" қиёматни 1975 йилнинг ёз ойларига "кўчиришди". Не ажабки, қиёмат қойим бўладиган кун ҳақидаги ваъзлар яна асоссиз бўлиб чиқди. Натижада, минглаб "муридлар" тариқатни тарк этишди.

Юртимизга "Йеҳова"чилик дастлаб ўтган асрнинг ўрталарида кириб келган. Бугун у, асосан, пойтахтимизда ва Тошкент вилояти ҳудудида гоҳ ошкор, гоҳ яширин тарзда фаолият юритмоқда. Бу эса барчамизни янада ҳушёрликка, эҳтиёткорликка чорлаши лозим.

Кўрсатув чоғида яна маълум бўлдики, турли секталар чоп этаётган варақаларида, ҳатто, Қуръон оятлари, исломий дуолардан фойдаланганлар. Шунинг ўзиёқ, уларнинг қанчалар иккиюзламачи эканлигини кўрсатади. Демак, бундайлар ўзларини бевосита исломга алоқадор деб кўрсатиб, содда мусулмонларни чалғитиш, иймон-эътиқоди бут эл вакилларини ўз дини ва эътиқодидан йироқлаштиришни кўзлайдилар. Уларнинг вазифаси одамларнинг ўзлигига, диний қадриятларига путур етказиб, бошқа диний оқимларга майл уйғотиш, шу орқали ортдан пайт пойлаётган "ҳомий"лар учун ақидаси суст, иймони пажмурда муртад ўлжаларни етказиб беришдан иборат.

Миссионерлар ўз мақсадларига эришиш йўлида ҳар қандай олчоқликдан, иккиюзламачилик ва фирибгарликдан қайтмайдилар. Улар ўз ўлжаларини, асосан, ўзи мансуб бўлган халқнинг диний ва миллий тушунчаларидан тўла хабардор бўлмаган кишилар орасидан қидирадилар. Керак бўлса, уларга катта миқдорда пул, мансаб ваъда қиладилар. Турли кўнгилочар тадбирлар, хорижий мамлакатларга саёҳатлар уюштирадилар. Ўзларига эргашган издошларни қимматбаҳо совға-саломлар билан сийлайдилар. Бу хатти-ҳаракатлар самараси ўлароқ, миссионерлар сафи "маҳаллий кадрлар" ҳисобига кенгаяди. Зеро, айни пайтда мусулмонлар орасида насронийликнинг хато тушунчаларини ёяётган тарғиботчилар борлиги нақадар аянчлидир.

Хуллас, кўринадики, улар иродаси бўш, моддий мададга муҳтож кишиларни тузоққа туширмоқ пайида бўлишади. Бу иймонсизлар қанчалик холис ва беғараз кўринишга интилишмасин, уларнинг қурол кўтариб юрган жангари ёхуд террорчидан ҳеч фарқи йўқ. Чунки миссионерлар инсонларнинг молу жонидан ҳам азизроқ бўлган руҳиятига, қалбига, эътиқодига қасд қилишади.

Дунёдаги ҳар бир инсон ўзига мақбул нарсани танлаш ҳуқуқига эга. Аммо ҳеч ким ота-онани, Ватанни, шу жумладан, иймон-эътиқодни танлай олмайди. Бу тушунчалар барчамиз учун азиз ва муқаддасдир. Шунингдек, падари бузрукворни, волидаи муҳтарамани, она-Ватанни, динни алмаштириб, пулга сотиб ёки харид қилиб ҳам бўлмайди. "Жаҳолат чангалида" кўрсатуви бизга ана шу азалий ҳақиқатни яна бир карра эслатди. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз теран тушуниб етмоғимиз ва бошқаларга ҳам англатмоғимиз зарур.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Жангари роботлар

***"Foster-Miller" компанияси томонидан "MAARS" туркумига кирувчи илк жанговар роботларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***



Компания вакилининг маълум қилишича, "темир одам" бир соатда 12 километр масофани босиб ўта олади. Шунингдек, уни "M240B" пулемёти билан қуроллантириш мумкин. Эътиборли томони шундаки, роботни бир километр узоқликдан туриб ҳам бошқарса бўлади.

Пентагон мутахассислари ҳозир мазкур роботларни турли жанговар вазиятларда синаб кўришни режалаштиришмоқда.

### Уйгаям, тўйгаям пул етади

***Йигитнинг моли ерда деб, бежиз айтишмаган. Британиялик Герберт Плант шу пайтгача зўр-базўр кун кечирарди.***



Бундан ташқари, бошпанаси йўқлиги боис, тўғри келган жойда тунаб кетаверарди. Омадни қарангки, яқинда унинг лотореясига 2,6 миллион фунт стерлинг ютуқ чиқди. Герберт биринчи навбатда машина сотиб олишни ният қилиб қўйди. Шундан сўнг ўғиллари билан мунтазам футбол мусобақаларини томоша қилишга бормоқчи.

— Шу пайтгача лотореядан бирор нарса ютишимга ишонмасдим,— дейди у. — Ушбу чиптани эса иккинчи ўғлимнинг илтимосига биноан сотиб олгандим.

### Исёнчилар исёни

***Шри-Ланка шимолида ҳукумат тарафдорлари билан жангарилар ўртасида тўқнашув содир бўлди.***

***Мамлакат қуролли кучлари вакилининг хабар беришича, тўқнашув оқибатида 35 нафар исёнчи ўлдирилган ва бир нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган.***

***Маълум қилинишича, ҳарбийлар чегара ҳудудларини назорат қилишаётганда жангарилар томонидан ҳужум уюштирилган.***



### Чанқовбосди фавворалар

***Италиянинг Венеция шаҳри дунёдаги энг кўп сайёҳ ташриф буюрадиган масканлардан саналади.***

Шуни инобатга олган маҳаллий ҳукумат раҳбарияти сайёҳлар учун имкон қадар кўпроқ шарт-шароит яратишга ҳаракат қилмоқда.

Эътиборлиси, бу мавсумда Венецияга ташриф буюрадиган меҳмонлар ичимлик суви учун ортиқча харажат қилишмайди. Сабаби, шаҳарнинг сайёҳлар гавжум гўшаларида жойлашган 122 та фаввораларда истеъмолга яроқли бўлган тоза ичимлик сув оқиб туради. Уларни махсус харита орқали топиб олиш мумкин.

Буни амалга ошириш орқали мутасаддилар шаҳарнинг ифлосланмаслигини режалаштиришган. Шу пайтгача маҳаллий маъмурият вакилларига сайёҳлар ташлаб кетадиган бўш сув идишларини йиғиштириш бош оғриғи бўлиб келаётганди.

### Сейфдаги мина

Брянск (Россия) шаҳридаги коллежларнинг бирида сейфдан ҳақиқий жанговар мина топилган.

"Интерфакс" агентлиги хабарида келтирилишича, портловчи қурилма Иккинчи жаҳон уруши даврида фойдаланилган миналар "авлоди"га мансубдир. Минани сапёрлар тезда зарарсизлантиришди.

Мутасаддилар бу воқеа юзасидан текширув ишлари олиб бормоқдалар.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ТАНЛОВ ИСТЕЪДОДЛАРНИ САРАЛАЙДИ

***Юртбошимизнинг ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, аввало, ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради, деган сўзлари беқиёс аҳамиятга эга. Зеро, бугун ёшларимиз камолоти йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли дастур ва лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти айни мақсадга қаратилган. Ҳеч иккиланмай Ёшлар йилида бундай эзгу ишлар янада жонланди, дейиш мумкин. Хусусан, бу йил илк маротаба Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган "Битирув малакавий иши ва диссертациялар танлови" жорий қилинганлиги фикримиз тасдиғидир.***

***Мазкур танловнинг асосий мақсад ҳамда вазифалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий таълим муассасалари бош бошқармаси бош мутахассиси Б. Ражабов батафсил маълумот берди.***

— Мамлакатимизда ҳар йили 50 минг нафарга яқин йигит-қиз олий таълим муассасаларини тамомлайди, — дейди Б.Ражабов. — Ёшларни ўз иқтидорига яраша рағбатлантириш бугуннинг талаби экан, демак, "Ёшлар йили" Давлат дастури вазифаларидан келиб чиққан ҳолда иқтидорли битирувчиларни тизимли асосда танлаш ва улар салоҳиятини юксалтириш бу борада муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода танлов ғолибларини "Амалиётга самарали татбиқ этилган битирув малакавий иши" (магистрлик диссертацияси), "Истеъдодли ёш ихтирочи", "Ноёб қобилият эгаси", "Оригинал лойиҳа муаллифи" ва "Бунёдкор ғоя ижодкори" сингари номинациялар бўйича тақдирлаш, ёшларимиз иқтидорини муносиб рағбатлантириш кўзда тутилган.

**— Танлов шартлари хусусида тўхталиб ўтсангиз...**

— Битирув малакавий иши танловида мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг битирувчилари, яъни бакалавриат ва магистратура босқичлари талабалари иштирок этиши мумкин. Айтиш жоизки, жорий йилдан бошлаб танлов мунтазам равишда ҳар йили апрель-май ойларида ўтказиб борилади. Саралаш жараёни икки босқичда амалга оширилади. Дастлабки босқич олий ўқув юрти миқёсида ўтказилиб, унда ғолибликка муносиб топилган ишлар танловнинг навбатдаги — республика босқичи ўтказиладиган таянч олий таълим муассасаларига юборилади. Бу ерда белгиланган мезонлар асосида ҳайъат аъзолари томонидан ғолиблар аниқланади. Шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, танлов низоми қабул қилинмасидан ўқув йилидан аввал бажарилган тадқиқот ишлари қабул қилинмайди.

**Таълим**

**— Асосий мақсад сифатида қай жиҳатларни тилга олиш мумкин?**

— Энг аввало, ёшларимизни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бош мақсаддир. Бу билан олий таълим муассасалари талабаларининг касбий тайёргарлик даражасини ўрганиб, таҳлил этиш, илмий базани янада мустаҳкамлаш борасида энг яхши битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини танлаб олиш ва уларни ҳаётга кенг татбиқ этишга эришилади.

Танлов унда иштирок этаётган битирувчилар орасидан етакчи вазирлик ва идоралар, компаниялар, корхона ҳамда ташкилотларда самарали фаолият юритишга қодир бўлган малакали ёш мутахассисларни кашф этиш имконини беради. Қолаверса, саралаб олинган битирув малакавий ишларида акс этган янгича қарашлар таълим жараёнига илғор ва замонавий технологиялар, усул ва услубларни жорий этишда қўл келади.

**— Тақдим этилажак тадқиқот ишлари қандай талаб ва мезонлар асосида баҳоланади?**

— Танловга тақдим этилган битирув малакавий ишида аниқ бир муаммонинг ечими юзасидан асоснома, масаланинг асосий шартлари, моҳияти ва уни ҳал этиш йўллари аниқ исботланган бўлиши талаб этилади. Ишда мавзунинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари узвийлиги эътиборга олинади. Танлаб олинган муаммо ечими хусусида фикр билдираётган ёш тадқиқотчи ички яхлитлик ва мантиқий кетма-кетликни эътибордан четда қолдирмаслиги лозим. Шу ўринда эслатиб ўтамизки, тегишли изоҳсиз ўқув ва илмий адабиётлар, шунингдек, Интернетдан кўчирилган материаллар қабул қилинмайди.

**Тўлқин ЭШБЕК ёзиб олди.**

# ҲЕЧ БИР ЁШ БЕЭЪТИБОР ҚОЛМАЙДИ

***Қаҳрамон пойтахтимизнинг Сергели туманида истиқомат қилади. У эндигина 24 ёшни қаршилаган бўлишига қарамай, ҳаётда хато қилишга ҳам улгурган. Шу боис жинояти учун жазони ўташга маҳкум этилганди.***

Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорига асосан у озод қилинди ва хатосини тўғрилаши учун имкон берилди.

— Давлатимизнинг бизга кўрсатган бу ғамхўрлиги ҳеч қачон эсимдан чиқмайди, — дейди Қаҳрамон.

**Жараён**

— Очиғи, қилган хатойим учун қаттиқ пушаймон бўлдим. Озодликка чиққанимда энди ҳаётда ўз ўрнимни топа олмасам керак, деб ўйлагандим. Йўқ, бизга бу масалада ҳам ёрдам қўлини чўзишди. Туманимиздаги Бандликка кўмаклашувчи марказ таклифи билан корхонага ишга жойлашдим. Энди ҳалол меҳнатим билан ўзимни кўрсатаман.

Дарҳақиқат, Сергели тумани Бандликка кўмаклашувчи маркази томонидан жазони ўташ жойларидан озод қилинганларни ишга жойлаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, ўтказилган суҳбатлар ва тушунтириш ишларидан сўнг жорий йилнинг апрелига қадар 12 киши мустақил равишда ишга жойлашган бўлса, 11 киши бевосита марказ орқали турли корхона ва ташкилотлар ходимига айланди. 2 нафар шахс қайта касбга ўқитиш учун юборилди...

Шунингдек, Ёшлар йили муносабати билан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш мақсадида марказ томонидан белгилаб олинган режага асосан «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ҳам ўтказиб келинмоқда. Ана шу тадбирларга ҳозиргача тумандаги 6 та коллеждан икки мингдан ортиқ ўқувчи таклиф этилди. Тумандаги бир қатор корхоналар, жумладан, «Файз» акциядорлик жамияти, «Иккикорамет» давлат унитар корхонаси, «Файзли транс» масъулияти чекланган жамияти, 4-автосарой ва бошқа ташкилотлар бўш иш ўринлари билан қатнашишди. Аксарият ёшлар дастлаб амалиёт ўташ учун корхоналарга жалб қилинди. Бу уларнинг ана шу корхоналар фаолиятини пухта ўрганиб, келгусида доимий иш жойига эга бўлишларига имкон беради.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Фахрийлар зиёратга боришди

***«Нуроний» жамғармаси Бухоро шаҳар бўлинмаси ташаббуси билан бир гуруҳ фахрийлар Самарқанд шаҳрига зиёратга боришди.***

Олтмиш нафарга яқин зиёратчи орасида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳам бор эди. Улар қадимий шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари ва мажмуини томоша қилдилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали**
*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!*

**2008 йил 23 июнь куни соат 11.00 да Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг савдолар залида объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объект қайта қўйилмоқда:**

Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, А. Икромов кўчаси, 90-уйда жойлашган «Шодлик» ИЧСКга қарашли савдо дўкони биноси (2 қаватли). Қурилиш ости майдони — 192,55 $м^2$.
Бошланғич баҳоси — 169 156 288 сўм.

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкнинг такрорий савдоси 2008 йил 9, 25 июль ва 11 август кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган харидорлар Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг ҳисоб рақами 20208000404460401001, МФО 00317, СТИР 206074208 АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд вилояти минтақавий филиалига объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари лозим. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш аукцион савдосига 1 кун қолганда тўхтатилади.

**Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 148-уй,**
**Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 3-хона.**
**Телефон: (8-366) 234-06-38.**
952R 1005

УЭ
**ООО «Росагропромснаб» предлагает:**

**СЧЕТЧИКИ ГАЗА**
**ультразвуковые «Гобой-1»**




**СЧЕТЧИКИ ГАЗА**
**вихревые СВГ.М**




На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на поставляемую продукцию – 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.
**Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л 6, д. 2 (Ор-р – метро «М. Улугбек»)**
Товар сертифицирован
**Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57**

**САНТЕХНИКА**
Товар сертифицирован
(Унитазы: **100 000** сум. – б/н, **80 000** сум. – за налич.)
(Умывальники: **60 000** сум. – б/н, **55 000** сум. – за налич.)
**В КОМПЛЕКТЕ**
**ЛИНОЛЕУМ**
**БОЛЕЕ 10 РАСЦВЕТОК**
Производство — Россия
(**5 500** сум. – б/н, **4 500** сум. – за налич.)
**ПЛИТКА**
**ОБЛИЦОВОЧНАЯ**
РАЗМЕРЫ: 33х33, 33х15, 33х10см
**ВСЯ ПРОДУКЦИЯ ИЗ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТЫХ МАТЕРИАЛОВ**
**Тел.: (+99898) 301-90-84 (круглосуточно), 302-16-90, 253-15-77, 253-14-42, 294-51-00, 280-55-40/41/42, 333-45-54**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги 493-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 456-сонли қарорига мувофиқ,**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**2008 йилда умумтаълим мактаблари «Тиббиёт хонаси» учун МУЗЛАТГИЧЛАР харид қилиш бўйича жорий йилнинг 4 июнидан бошлаб қайта тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинганлигини маълум қилади.**

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш имкониятига эга бўлган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик мақомига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган юридик шахслар иштирок эта оладилар.

**Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:**
- қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;
- белгиланган муддат ичида саралаш босқичи учун барча талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаганлар;
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий идоралари билан аввал имзоланган шартномалар шартлари бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар ва бажармай келаётганлар;
- тендер савдоси ўтказилиши тўғрисида эълон берилган кунга қадар ташкил этилганлигига 6 ойдан кам бўлганлар;

Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар.

**Тендер савдосида қатнашмоқчи бўлган талабгорлар уларнинг тендер таклифлари солинган конвертлар очилишидан олдин тендер комиссияси ёки тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан ўтказиладиган саралаш босқичи (квалификационный отбор)дан ўтишлари лозим. Бунда талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига тендер таклифлари билан биргаликда алоҳида папкада қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**
- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан талабгор банкротлик жараёнида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- давлат рўйхатига олувчи органдан талабгор тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- талабгорнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- Давлат солиқ инспекциясидан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома;
- талабгорга хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома;
- талабгорнинг ишчи органига тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф этаётган маҳсулоти намуналарини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.

Саралаш босқичи ўтказилиши муддати тендер комиссияси томонидан белгиланади.

Тендер комиссиясининг топшириғига мувофиқ, ишчи орган талабгорларнинг ишлаб чиқариш жойлари, ишлаб чиқариш қуввати, технологик ускуналари мавжудлиги ва тендер билан боғлиқ бошқа кўрсаткичларини ўрганиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Тендер савдоларида ғолиб деб топилган корхона ва ташкилотлар, имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддат ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органи ҳисобланган «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонасига эълон чиққан кундан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиниши мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 92-уй.**
**Телефон: (8-371) 268-03-37. Факс: (8-371) 268-03-37.**
**Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар ишчи органнинг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 150 000 (юз эллик минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари лозим: Банк махсус ҳисоб рақами: 20210000700101561002.**
**АТ «Ипотекабанк»и «Меҳнат» филиали, МФО 00423, ИНН 200524742, ОКОНХ 71100.**

**Тендер таклифлари «Тендер савдоларида иштирок этиш йўриқномаси»нинг 12.1-бандида кўрсатилган миқдорларда закалат пули билан бириктирилган бўлиши керак. Закалат пули тендер комиссияси ишчи органининг юқорида келтирилган махсус ҳисоб рақамига ҳар бир ЛОТ бўйича алоҳида ўтказилиши лозим. Юқорида кўрсатилган закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.**

**Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2008 йил 4 июль куни соат 15.00 дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим. Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.**

SONATA
**Ўз йўлингни танла!**
Drive your way



**КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.**
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
EURO2008
**HYUNDAI** Official Partner **Tel. 250-11-11**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

# Қуръа муддати маълум

***2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати учинчи саралаш босқичи учрашувлари ҳал қилувчи паллага кирди.***

Куни кеча Осиё футбол конфедерацияси тўртинчи саралаш босқичи учрашувларига қуръа ташлаш муддатини эълон қилди. Унга кўра, қуръа ташлаш маросими жорий йилнинг 27 июнь куни (Тошкент вақти билан 14.00 да) ОФК қароргоҳи жойлашган Куала-Лумпур (Малайзия) шаҳрида бўлиб ўтади.

Унда учинчи саралаш босқичида ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган ўнта жамоа икки гуруҳдан жой олади. Маълумки, Ўзбекистон терма жамоаси тўртинчи босқичга чиқиш масаласини деярли ҳал қилган.

Тўртинчи босқичда иккала гуруҳдан биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган жамоалар жаҳон чемпионати финал босқичига тўғридан-тўғри йўл олади. Гуруҳларда учинчи ўринни олган жамоалар ўртасида ўзаро учрашув (уйда-сафарда) ўтказилади. Ғолиб Океания футбол конфедерация вакили билан жаҳон чемпионати йўлланмаси учун кураш олиб боради.

Тўртинчи босқич саралаш учрашувлари муддати қуйидагича:

| | |
|---|---|
| 1-тур: | 2008 йил, 6 сентябрь. |
| 2-тур: | 2008 йил,10 сентябрь. |
| 3-тур: | 2008 йил, 15 октябрь. |
| 4-тур: | 2008 йил, 19 ноябрь. |
| 5-тур: | 2009 йил, 11 февраль. |
| 6-тур: | 2009 йил, 28 март. |
| 7-тур: | 2009 йил, 1 апрель. |
| 8-тур: | 2009 йил, 6 июнь. |
| 9-тур: | 2009 йил, 10 июнь. |
| 10-тур: | 2009 йил, 17 июнь. |

Учинчи ўринни эгаллаган жамоалар 2009 йилнинг 10-14 октябрь кунлари уйда-сафарда тизимида ўзаро учрашадилар. Ғолиб жамоа 2009 йилнинг 14-21 ноябрь кунлари Океания жамоаси билан битта йўлланма учун плей-офф баҳсида кураш олиб боради.





# Кубок ўзбекистонлик боксчиларда

**Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Хитой Тайпейида ўтказилган Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) президенти кубогида муваффақиятли иштирок этди.**

Нуфузли мусобақада Баҳодир Султонов (57 кг.), Дилшод Маҳмудов (69 кг.), Аббос Атоев (81 кг.) ва Сардор Абдуллаев (91 кг.)лар олтин медалларни қўлга киритишди.

**Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси —IFFHS дунё жамоаларининг июнь ойига мўлжалланган янги рейтинг жадвалини эълон қилди.**

# Рейтингимиз ошмоқда

*Осиё чемпионлар лигаси ва Ўзбекистон чемпионатида муваффақиятли иштирок этаётган Тошкентнинг "Қурувчи" жамоаси рейтингда жадал юқорилаб бормоқда. Июнь ойи рейтингида Миржалол Қосимов шогирдлари яна эллик поғона юқорилаб, 97-ўриндан жой олди.*

*Мамлакатимизнинг яна бир жамоаси "Пахтакор" эса 133-ўриндан 121-ўринга кўтарилган.*

***Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.***

Шеърият дафтаридан

## 1. Армуғон

*Гулларни уйғотиб бошлангиз алёр,*
*Олқишланг ҳаётнинг шодон ҳар дамин.*
*Соф уруғ ниш урган шудгордир, шудгор*
*Баҳорий елларга муштоқ бу замин.*

*Бахтиёр жон нисор айлар диёрга,*
*Дарди бор ватандан излар малҳамин.*

*Зорингиз етмаса онаизорга,*
*Арзингиз тинглагай уйғоқ бу замин.*

*Севгидан нурлансин бу олам, бу жон,*
*Бошламоқ пайтидир меҳр байрамин.*
*Беғубор тонгларни айлар армуғон*
*Бахтимиз юлдузи - порлоқ бу замин.*

## 2. Юксакка!




*Биз бунёд бўлганмиз*
*ёғдудан,*
*Бўлгаймиз ҳақ ишнинг*
*сарбози.*
*Энг тотли,*
*энг мовий орзудан*
*Бошлангай инсоннинг*
*парвози:*
*Кўкларга, кўкларга,*
*кўкларга,*
*Нур тегсин, ҳей дўстлар,*
*кўкракка!*

*Башармиз, бизлар ёш*
*башармиз,*
*Ният ҳам озоду озода.*
*Иқболни эъзозлаб яшармиз*
*Муҳаббат тебратган дунёда.*
*Юксакка, юксакка, юксакка,*
*Нур тегсин, ҳей дўстлар,*
*кўкракка!*

*Ой бўлсанг, офтобинг ёр бўлсин,*
*Теграңгда юлдузлар фаввора.*
*Юлдузлар базмида бор бўлсин*
*Ер номли энг гўзал сайёра.*
*Юксакка, ҳей дўстлар,*
*юксакка,*
*Юлдузлар жамолин*
*кўрмакка!*

## 3. Алла

*Алла, жоним, бошингдан ой боқиб ўтар,*
*Алла айтиб, ёнингдан сой оқиб ўтар.*
*Мен жонимни пайванд этай жонинг билан,*
*Ақлинг тўлиб, ҳуснинг кулиб, қаддинг кўтар,*
*Алла.*

*Отанг сенга қолдиргудай боғи бордир,*
*Бир-биридан ширин олма, ноки бордир.*
*Йўлга чиқсанг, авайлаб бос одимингни,*
*Ҳар қадамда азизларнинг хоки бордир,*
*Алла.*

*Ором олиб, дийдам узра улғай, болам,*
*Бошгинангни нурлар билан чулғай, болам.*
*Бизлар кўрдик бу дунёнинг ҳар кўйини,*
*Сенга ҳам кўп яхши кунлар бўлгай, болам,*
*Алла...*

## 4. Алёр

*Ёдимизда яшар ҳамиша*
*Ҳаёт наҳри бошланган*
*булоқ,*
*Биз туғилган содда*
*бир гўша,*
*Биз тер тўкиб,*
*нон топган тупроқ.*
*Алёр, ҳалол*
*меҳнатга алёр,*
*Меҳнат берган*
*шавкатга алёр!*

*Тинмас ҳамон қалбда*
*ларзалар,*
*Йўртиб борар*
*йиллар карвони.*
*Муқаддасдир бизнинг*
*ҳар зафар,*
*Муқаддасдир қурбонлар қони.*
*Алёр, ғолиб инсонга алёр,*
*Тинч-осуда давронга алёр!*

*Тўй бошқариб севги қуёши,*
*Ғунчаларни этганда ардоқ,*
*Оналарнинг юксалиб боши,*
*Фарзандлар ҳам бўлгай гўзалроқ.*
*Ҳар япроққа, ҳар гулга алёр,*
*Истиқлолдек пок йўлга алёр!*

*Биз жаҳонга деймиз «Ассалом»,*
*Қадримизни тутиб сарбаланд.*
*Бошимизда порлагай мудом*
*Ўзбекистон аталган Ватан.*
*Алёр сенга, ҳур Ватан, алёр,*
*Алёр, бағри нур Ватан, алёр!*

**Ҳусниддин ШАРИПОВ.**

# ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНИ

***Ватан сарҳадлари нафақат қуруқлик ва тоғу тошлар, балки сув ҳавзаларидан ҳам ўтади. Мамлакатимиз чегаралари дахлсизлиги, давлатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, кўп жиҳатдан, чегарачиларимизга, уларнинг матонати ва жасоратига боғлиқ. Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг жасур ва мард посбонлари дарё чегараларида ҳам кечаю кундуз хизматларини сергаклик билан адо этишмоқда. Албатта, уларнинг хизматлари ҳеч қачон давлатимиз ва халқимиз эътиборидан четда қолаётгани йўқ.***

Яқинда Президентимиз Фармонига кўра, ушбу ҳарбий қисм — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара катерлари алоҳида базаси давлатимизнинг юксак мукофоти — Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланган эди. Шахсий таркиб ўртасида қатъий иродани шакллантириш, интеллектуал салоҳиятни кучайтириш, жанговар шайлик ва чегара хизматини ташкил этишда юксак барқарорликка эришиш, жанговар техника ва қурол-аслаҳани қўллай билишни пухта ташкил этиш ҳисобига ушбу ютуқ қўлга киритилди. Ана шу муносабат билан ҳарбий қисмда тантанали байрам ташкил қилинди.

Тадбирда ҳарбий қисм шахсий таркиби, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги вакиллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара катерлари алоҳида базасини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонининг ўқиб эшиттирилиши ва юксак мукофотнинг шоншараф рамзи бўлмиш Жанговар Байроққа тақиб қўйилиши барча ҳарбий хизматчиларнинг қалбида қувонч ва ғурур ҳиссини уйғотди.

## Мардлар қўриқлайди Ватанни!

Табиийки, Ватан ҳимоясига ўзини бағишлаган, ўз даврининг моҳир саркардаси, буюк бобокалонимиз номидаги орден билан мукофотланиш ҳар қандай ҳарбий қисм учун энг юксак шарафдир.

— Ҳарбий қисмимизга мазкур орденнинг берилиши нафақат бизга, балки МХХ чегара қўшинлари барча шахсий таркибига берилган мукофотдир, — дейди иккинчи ранг капитани А. Мўминов. — Бу мукофот шахсий таркиб олдидаги бурч ва масъулиятни янада оширади. Жалолиддин Мангуберди орденини топшириш ишларига тайёргарлик кўриш жараёнида ҳарбий қисмимиз тарихи акс эттирилган музей ташкил этилиб, халқимизнинг мард ва содиқ ўғлони Жалолиддин Мангуберди бюстини ўрнатдик. Синф хоналари эса бугунги кун талабларига жавоб берадиган даражада жиҳозланди.

Ҳозирги кунда ҳарбий қисм шахсий таркиби янги, замон талабларига тўла жавоб берадиган катерлар билан таъминланган. Ушбу катерлар ўзининг тезкорлиги, барча турдаги замонавий ўқотар қуроллар билан жиҳозланганлиги, бошқаришнинг автоматлаштирилгани билан ажралиб туради.

Истиқлол йилларида ҳарбий қисм шахсий таркиби томонидан давлатимиз чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш мобайнида 4 минг килограммга яқин наркотик модда, 80 дан ортиқ ўқотар қурол, 3300 га яқин ўқ-дори, 900 нафарга яқин чегара бузувчилар қўлга олинди. Бу рақамлар ҳарбий қисм ўзига юклатилган вазифани виждонан уддалаётганини кўрсатади.

Малакаларини доимий тарзда ошириб бораётган ҳарбий қисм шахсий таркиби 2001, 2004, 2007 йилларда МХХнинг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳарбий қисмлари ўртасидаги «Йилнинг энг илғор қўшилмаси» деган номга сазовор бўлди. Малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. 2006 ва 2007 ўқув йили якуни бўйича 2 нафар офицер ва 1 нафар шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи «Энг илғор мутахассис» танловининг республика босқичида ғолиб деб топилди.

Шахсий таркибнинг дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун замон талабларига жавоб берадиган шароитлар яратилган. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида уй-жой билан таъминлаш масаласи босқичма-босқич ҳал этиб борилмоқда. Жумладан, сўнгги икки йил мобайнида 20 нафар ҳарбий хизматчи янги тураржойларга эга бўлдилар.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз Фармонига биноан Чегара катерлари алоҳида базаси давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланиши ҳукуматимизнинг уларга доимий ғамхўрлиги ва эътирофининг намойишидир. Шу билан бирга, ушбу эътироф барча чегарачиларимизни янги ютуқлар сари чорлайди. Зиммасига янада улкан масъулият юклайди.

**Раззоқ ШОЙМАРДОНОВ, майор.**









Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари университет талабалар касаба уюшмаси раиси Раҳимжон Агабековга онаси
**ТУМАЧИХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси жамоаси дирекция менежери Рустам Райимжоновга отаси
**Зокир РАЙИМЖОНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар —Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5 6 7